

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ
МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

279 Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 9 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2798

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрелдаги 107-сон «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ж. ИСМОИЛОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 23 май,
01-157-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест
маркази директорининг 2016 йил 23 майдаги
01-157-сон буйруғига
ИЛОВА

**Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги
сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрелдаги 107-сон «Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

қарорига мувофиқ, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари (бундан буён матнда таълим муассасалари деб юритилади) педагог кадрларининг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификатларни (бундан буён матнда сертификат деб юритилади) ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан буён матнда ДТМ деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (бундан буён матнда халқ таълими бошқармалари деб юритилади), ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими ҳамда аттестация комиссиялари тузилган таълим муассасаларида ушбу ташкилотлар раҳбарларининг буйруғи билан сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш бўйича моддий жавобгар шахслар (бундан буён матнда масъул шахс деб юритилади) белгиланади.

2. Сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш масъул шахслар томонидан амалга оширилади.

2-боб. Сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш

3. Сертификатлар ҳисоби масъул шахс томонидан доимий равишда олиб борилиши шарт.

4. Қабул қилинган (кирим қилинган) сертификатлар шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган Сертификатларнинг ҳисобини юритиш журналида (бундан буён матнда журнал деб юритилади) ҳисобга олиниши лозим.

5. Журнал ип ўтказиб тикилган, унинг варақларига тартиб рақамлари қўйилган бўлиши керак. Журналнинг охириг бетида жами варақлар сони кўрсатилиб, масъул шахс томонидан имзоланади ва ташкилот муҳри қўйилади. Журналга маълумотлар масъул шахс томонидан қайд этиб борилади.

6. Журнални тўлдиришда йўл қўйилган хато бир чизиқ билан ўчирилади ва кейинги қаторга тўғри ёзув киритилади. Киритилган ҳар бир тузатиш шу варақнинг пастки қисмида изоҳланиб, ташкилот муҳри билан тасдиқланиши зарур. Журналдаги ёзувларни ўчириш, бўяш, устидан қоғоз ёпиштириш, шунингдек журналда очиқ қаторлар қолдириб кетиш тақиқланади.

7. Сертификатлар масъул шахс томонидан пўлат сейфда (ёнмайдиган шкафда) сақланиши зарур. Агар масъул шахснинг хонасида пўлат сейф (ёнмайдиган шкаф) бўлмаса, сертификатлар ташкилот раҳбарининг пўлат сейфида (ёнмайдиган шкафида) сақланади.

8. Ишдан ташқари вақтларда сертификатлар сақланаётган пўлат сейф (ёнмайдиган шкаф) жойлашган хона муҳрланган бўлиши керак.

9. Сертификатлар:

халқ таълими бошқармалари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаларига — ДТМ томонидан;

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига — тегишли халқ таълими бошқармалари томонидан;

таълим муассасаларига — халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан буюртманомаларга мувофиқ белгиланган тартибда берилади.

10. Сертификатлар ишончномага асосан далолатнома расмийлаштирилган ҳолда берилади. Далолатнома сертификатларни топширган ва қабул қилиб олган шахслар томонидан имзоланади ҳамда сертификатларни топшираётган ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

Ушбу далолатномада топширилган сертификатлар ҳақида маълумот (серияси, тартиб рақами), миқдори ва топширилган ташкилот ҳамда бошқа зарур маълумотлар кўрсатилиши лозим.

11. Аттестация комиссиялари педагог кадрларга тарқатиш учун сертификатларни масъул шахсдан олади.

12. Аттестация комиссиялари Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ сертификатларнинг педагог кадрларга тарқатилишини рўйхатга олиш учун махсус дафтар (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) юритади.

13. Сертификатларнинг хатосиз тўлдирилиши учун аттестация комиссияси раислари масъул ҳисобланади. Сертификатларни тўлдириш вақтида ёки тўлдирилгандан кейин ундаги ёзувларни бўяш, ўчириш, тузатиш кириштиш ҳамда ушбу ҳолатларга изоҳ бериб муҳр билан тасдиқлашга йўл қўйилмайди. Тўлдириш вақтида бузилган сертификатлар бўйича икки нусхада далолатнома тузилиб, ҳар чоракда мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган тартибда тегишли ташкилотга топширилади.

14. Бузилган ва яроқсиз ҳолга келган сертификатлар далолатнома асосида ҳисобдан чиқарилади. Мазкур далолатнома икки нусхада тузилиб, масъул ходим ва ташкилот раҳбари томонидан имзоланади. Ушбу далолатномада бузилган ва яроқсиз ҳолга келган сертификатлар ҳақидаги маълумотлар (сертификатларнинг бузилиши, яроқсиз ҳолга келиши сабаблари, серияси, тартиб рақами, миқдори) кўрсатилиши лозим. Далолатнома асосида бузилган ва яроқсиз ҳолга келган сертификатлар ҳақида журналга тегишли ёзув киритилади.

15. Бузилган ва яроқсиз ҳолга келган сертификатлар бўйича расмийлаштирилган далолатноманинг бир нусхаси:

таълим муассасаси томонидан — тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимига;

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими томонидан — тегишли халқ таълими бошқармасига;

халқ таълими бошқармаси ёки ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан — ДТМга сертификатлар илова қилинган ҳолда юборилиши лозим. Бунда халқ таълими бошқармаси томонидан таълим муассасаси ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими юборган яроқсиз ҳолга келган сертификатлар ва далолатнома нусхаларини ҳам ДТМга юборилади.

16. ДТМга юборилган бузилган ва яроқсиз ҳолга келган сертификатларни йўқ қилиш бўйича икки нусхада далолатнома расмийлаштирилади ҳамда масъул шахс ва ДТМ директори томонидан имзоланади. Сертификатларнинг сериялари, тартиб рақамлари қирқиб олиниб, далолатноманинг бир нусхасига илова қилингандан сўнг, сертификатларнинг ўзи ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади.

17. Маълум сабабларга кўра тарқатилмай қолган сертификатлар бўйича ҳар ярим йилда икки нусхада далолатнома тузилади ҳамда масъул шахс ва аттестация комиссияси раиси томонидан имзоланади. Далолатноманинг бир нусхаси, тарқатилмай қолган сертификатлар унга илова қилинган ҳолда, сертификатларни берган масъул шахсга қайтарилди. Масъул шахс тарқатилмай қолган барча сертификатларни умумлаштириб, уларни далолатнома асосида мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган тартибда ДТМга юборилишини таъминлайди.

18. ДТМга юборилган ва маълум сабабларга кўра тарқатилмай қолган фойдаланиш учун яроқли бўлган сертификатлар масъул шахс томонидан қайта ҳисобга олинади ва келгусида мазкур Низомда белгиланган тартибда фойдаланилади.

4-боб. Яқуний қоида

19. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан келишилган.

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2016 йил 23 май

*Ўрта махсус, касб-ҳунар
таълими маркази директори*

У. САЛИМОВ

2016 йил 23 май

Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги
сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш
тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Сертификатларнинг ҳисобини юритиш
ЖУРНАЛИ**

(ТАШКИЛОТНИНГ НОМИ)

Т/р	
1	Сертификатлар ҳисобга олинган сана
2	Сертификатлар қайси ташкилотдан қабул қилинганлиги (ташкилот номи)
3	Қабул қилинган сертификатнинг кирим ҳужжати (счёт-фактура, юк хати, далолатнома) санаси ва рақами
4	Қабул қилинган сертификатларнинг умумий сони
5	олий малака тоифаси / бош ўқитувчи лавозимига оид
6	биринчи малака тоифаси / етакчи ўқитувчи лавозимига оид
7	иккинчи малака тоифаси / етакчи ўқитувчи лавозимига оид
8	Сертификатлар топширилган ташкилот номи
9	олий малака тоифаси / бош ўқитувчи лавозимига оид
10	биринчи малака тоифаси / етакчи ўқитувчи лавозимига оид
11	иккинчи малака тоифаси / катта ўқитувчи лавозимига оид

Шу жумладан:

Топширилган
сертификатлар

Жадвалнинг давоми

Т/р	Сертификатларни топширган / қабул қилиб олган масъул шахсларнинг имзоси ва сана		Тарқатилган сертификатлар			Сертификатлар тарқатилган сана	Ҳисобдан чиқарилган сертификатлар сони (бунда ҳисобдан чиқариш учун асос бўлган далолатноманинг санаси ва сони ҳам кўрсатилади)		
	топширдим	қабул қилиб олдим	олий малака тоифаси / бош ўқитувчи лавозимига оид	биринчи малака тоифаси / етакчи ўқитувчи лавозимига оид	иккинчи малака тоифаси / катта ўқитувчи лавозимига оид		топширилган (тарқатилган)	яроқсиз ҳолга келган	иншлатилмай қолган
	12	13	14	15	16	17	18	19	20

Изоҳ: мазкур журнални юритишда:

ДТМ томонидан — 14 — 20-устунлар;

халқ таълими бошқармалари томонидан — 9, 15 ва 16-устунлар;

ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари томонидан — 8 — 13-устунлар;

халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан — 9, 10, 14 ва 16-устунлар;

таълим муассасалари томонидан — 8 — 13, 14 ва 15-устунлар тўлдирилмайди.